



СОВЕТ УЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН.

18 апрель 1971 йил, якшанба

№ 89 (14.959).

Баҳоси 2 тийин.

Кечаги шанбалик Коммунистик меҳнат байрамига айланиб кетди. Республикамиз меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларидан руҳланиб, коммунистик меҳнат ҳаракатини янада кенг қулоч ёйдириб юбордилар. Бу ҳаракат тўққизинчи беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

КПСС Марказий Комитетининг 1971 йил 1 Май ЧАҚИРИҒЛАРИ

1. Яшасин 1 Май — меҳнаткашларнинг империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашдаги халқаро бирдамлик кунини!
2. Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!
3. Яшасин абадий барҳайт интернационал таълим, империализмга қарши, социализм ва коммунизм ғалабаси йўлидаги курашда барча мамлакатлар меҳнаткашларининг байроғи — марксизм-ленинизм!

4. Владимир Ильич Лениннинг номи ва иши асрлар бўйи яшайверсин!
5. Коммунистлар! КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга ошириш йўлидаги умумхалқ курашининг олдинги сафларига борингиз, омманинг актив ташкилотчилари ва мураббийлари бўлингиз! Меҳнатда ва жамоат ҳаётида намуна кўрсатингиз!
6. Совет Иттифоқининг меҳнаткашлари! Бутун куч-ғайратингизни КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга оширишга, тўққизинчи беш йиллик план тошириқларини муваффақиятли бажаришга сарфлангиз!

Коммунистик қурилишнинг янги муваффақиятлари сари, олға!
7. Коммунизм бинокори — улғу совет халқига шон-шарафлар!

8. Яшасин СССРда коммунизм қурилишининг етакчи кучи — қаҳрамон ишчилар синфи!
9. Яшасин коммунизмнинг актив бинокорлари — қаҳрамон колхозчи деҳқонлар!

10. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив бунёдкорлари — совет халқ зиёлилари!

11. Яшасин ишчилар синфи билан колхозчи деҳқонлар иттифоқи! Совет жамиятининг бузилмас ғоявий-сиёсий бирлиги мустақамланаверсин!

12. КПСС ленинча миллий сиёсатининг буюк ғалабаси — СССР халқларининг қардошларча дўстлиги абадий яшасин ва гуллаб-яшнасин!

13. Яшасин ишчилар синфининг, барча меҳнаткашларнинг жанговар авангарди, коммунизм учун курашда совет халқининг сиёсий йўлбошчиси ва ташкилотчиси-Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!
14. Яшасин партия билан халқнинг буюк бузилмас бирлиги!

15. Яшасин чинакам халқ ҳокимияти органлари — меҳнаткашлар депутатлари Советлари! Социалистик демократия ривожланаверсин ва мустақамланаверсин, давлатни бошқаришда меҳнаткашларнинг активлиги ўсаверсин!

16. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Сайлов кампаниясида актив қатнашингиз! Иттифоқдош, автоном республикалар Олий Советларига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларига бўладиган сайловни КПСС XXIV съезди қарорларини бажаришга бутун кучини сафарбар қилиш шiori остида ўтказайлик!

Коммунистлар билан партиясизларнинг ҳаёт синовидан ўтган блоки яшасин ва мустақамланаверсин!

17. Яшасин бошқариш ва ҳўжалик юритиш мактаби, коммунизм мактаби — совет касаба союзлари!

18. Яшасин Коммунистик партиянинг содиқ ёрдмчиси ва резерви, коммунизм ёш бунёдкорларининг илғор отряди — Ленин комсомоли!

19. Комсомоллар, йигит ва қизлар! Марксизм-ленинизм назариясини, фан, техника ва маданият чўққиларини астойдил эгаллангиз! КПСС XXIV съездининг қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашчиларнинг олдинги сафларида бўлингиз!

20. Яшасин коммунистик жамиятнинг актив бинокорлари — совет хотин-қизлари!

21. Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликда янгидан-янги муваффақиятларга эришингиз, хўшёр бўлингиз ва ҳар қандай агрессияни даф қилишга ҳамиша шай бўлиб турингиз!

Яшасин Совет Иттифоқининг қаҳрамон Қурулди Қўллари!

22. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Беш йилликнинг энг асосий вазифаси — социалистик экономикани қудратли юксалтириш асосида халқ фаровонлигини анча ошириш вазифасининг муваффақиятли бажарилиши фидокорона меҳнатимизга боғлиқдир. Янги беш йиллик планни амалга ошириш учун социалистик мусобақани кенг авж олдиришгиз!

Ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторларига шон-шарафлар!

23. Саноат ходимлари! КПСС XXIV съездининг мамлакат индустриал қудратини янада ривожлантириш ва мустақамлаш борасидаги қарорларини амалга ошириш учун курашингиз! Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг техника даражаси ва самардорлигини кўнг билан оширингиз!

24. Саноат ходимлари! Халқ истеъмол қиладиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришгиз, уларнинг хилларини янгилаб туришгиз, бу товарларнинг сифатини яхшилангиз ва таннархини камайтирингиз! Совет кишиларининг талабларини тўлароқ ҳисобга олингиз!

25. Қурилиш ходимлари! КПСС XXIV съезди капитал қурилиш соҳасида қўйган вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашингиз! Қурилиш ишларининг сифатини яхшилангиз ва қийматини камайтиришгиз, янги ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектларини тезроқ ишга туширингиз!

26. Транспорт ва алоқа ходимлари! Транспорт ва алоқани такомиллаштиришгиз ва замонавий техника воситалари билан қуруллангиз! Халқ ҳўжалигининг юк ташишга бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондиришгиз! Аҳолига хизмат кўрсатишни кўнг билан яхшилангиз!

27. Қишлоқ меҳнаткашлари! КПСС XXIV съездининг қишлоқ ҳўжалиги ҳамма тармоқларини янада ривожлантириш борасидаги қарорларини муваффақиятли бажариш учун кўнг билан курашингиз!

28. Саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ходимлари! Колхоз ва совхозларнинг моддий-техника базасини мустақамлангиз! Ишлаб чиқаришни интенсификацирани — деҳқончилик ва чорвачиликни электрлаштириш ҳамда комплекс механизациялаш, химиялаштириш ва ерларни мелиорациялаш программасини зўр ғайрат билан амалга оширингиз!

29. Колхозчилар, совхозларнинг ишчилари, қишлоқ ҳўжалик мутахассислари! Дон, гўшт, сут, пахта, қанд лавлаги, картошка ва бошқа қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришгиз, уларнинг сифатини яхшилангиз, таннархини камайтирингиз!

30. Қишлоқ ҳўжалик меҳнаткашлари! Қишлоқ ҳўжалигига яроқли ерларнинг ҳар бир гектаридан рационал фойдаланишгиз, техника унумдорлигини оширингиз, баҳорги дала ишларининг юксак сифатли бўлишига эришингиз!

31. Савдо, умумий овқатланиш ва коммунал-маиший ҳўжалик ходимлари! Совет кишиларига хизмат кўрсатиш маданиятини оширингиз, уларнинг талабларини тўлароқ ва яхшироқ қондиришгиз!

32. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун курашингиз! Интизом ва ушўқоқликни бутун чоралар билан мустақамлангиз! Жамоат мулкни муқаддас билиб асрангиз ва кўпайтиришгиз!

33. Совет Иттифоқи меҳнаткашлари! Меҳнат унумдорлигини тиймай оширингиз! Ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни амалга оширингиз! Иқтисодий ва фан-техника билимларини эгаллангиз!

34. Халқ ҳўжалиги ходимлари! Меҳнат ва материалларни энг кам сарфлаб, давлат планларини бажариш учун курашингиз, тежамкорликка қаттиқ риоя қилингиз, ҳўжаликнинг ички резервларидан тўлароқ фойдаланишгиз!

35. Халқ ҳўжалиги ходимлари! Планлаштиришни ва экономикани бошқаришни такомиллаштиришгиз, ишлаб чиқариш маданиятини оширингиз, меҳнатни илмий ташкил этишни, илғор тажрибани кенгроқ жорий қилингиз, иш вақтининг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланишгиз!

36. Совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва рационализаторлари! КПСС XXIV съезди фан-техника тараққиётини жадаллаштириш борасида қўйган вазифаларини актив амалга оширингиз! Фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини бутун чоралар билан мустақамлангиз! Фан ва техниканинг янги ютуқларини халқ ҳўжалигига тезроқ жорий қилингиз!

37. Космик фазонини ўзлаштиришда янги уфқлар очиб бераётган совет олимлари, конструкторлари, инженерлари, техниклари ва ишчиларига шон-шарафлар!

Шавкатли совет космонавтларига шон-шарафлар!

38. Адабиёт ва санъат арбоблари, маданият ходимлари! Совет санъатининг партиявийлиги ва халқчилиги байроғини баланд кўтарингиз, бутун куч ва қўбиятнинг коммунизм қурувчиларини тарбиялашга сарфлангиз!

39. Маориф ходимлари! Халқ маорифини ва ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашга такомиллаштиришгиз!

40. Соғлиқни сақлаш ва физкультура ходимлари! Аҳолига медицина хизматини яхшилангиз! Физкультурага совет кишиларининг кундалик ҳаётига актив сингдиришгиз!

41. Пионерлар ва мактаб ўқувчилари! Совет Ватанини жон-дилдан севингиз, яхши ўқингиз, меҳнат малакаларини эгаллангиз! Ленин иши учун, коммунизм учун актив курашчилар бўлишга тайёрлангиз!

42. Ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг жанговар марксча-ленинча авангарди, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун, империализмга қарши толмас курашчилар бўлиш коммунистик ва ишчи партияларга қардошлик саломини!

43. Бутун жаҳон коммунистларининг бирлиги ва жипслиги марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализм негизиде мустақамланаверсин!

44. Социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошлик саломини! Халқаро ишчилар синфининг тарихий ғалабаси, антиимпериалистик курашдаги ҳал қилувчи куч, тинчлик ва социал тараққиёт таянчи бўлган жаҳон социалистик системаси ривожлансин ва мустақамланаверсин!

45. Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари! Дўстлик ва бирликин мустақамлаш учун, қардошларча ўзаро муносабатларни янада ривожлантириш учун курашингиз! Социализм душманларининг кирдикорларига нисбатан хўшёр бўлингиз!

Пролетар интернационализмни байроғини баланд кўтарайлик!

46. Барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари! Империализмнинг агрессив сиёсатига қарши, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун актив кураш олиб борингиз!

47. Капиталистик мамлакатларда монополистик

капиталга қарши, меҳнаткашларнинг сиёсий ва социал-иқтисодий ҳуқуқлари учун, социалистик идеалларнинг тантанаси учун фидокорона курашаётган ишчилар синфига қардошлик саломини!

48. Мустамакачилик асорати кишларнинг улоқтириб ташлаб, империализмга ва янги мустамакачиликка қарши, мустақилликин мустақамлаш учун, социал ривожланишнинг прогрессив йўли учун курашаётган халқларга қизгин салом!

49. Империализмга ва ирқчиликка қарши, озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган мустамака ва қарам мамлакатларнинг халқларига қизгин салом!

50. Революцион кучлар — жаҳон социализм системаси, халқаро ишчилар ҳаракати, халқларнинг миллий ва социал озодлиги учун курашчиларнинг қудратли иттифоқи мустақамлансин ва янгидан-янги ғалабаларга эришаверсин!

51. Капиталистик ва мустамакачилик асоратига қарши, халқлар озодлиги учун, социализм учун мардона курашиб, турмаларда ва фашист зиндонларида азоб чекиб ётганларга қардошлик саломини! Капитал тутқинларига озодлик!

52. Америка империализмининг агрессиясига қарши, ўз мамлакатларининг озодлиги ва мустақиллиги учун мардона кураш олиб бераётган қаҳрамон Вьетнам халқига ва унинг жанговар авангарди — Вьетнам Меҳнаткашлар партиясига, Лаос ва Камбоджанинг жасур ватанпарварларига қардошларча оташин салом!

53. Жаҳон халқлари! Америка Қўшма Штатларидан Ҳинди-Хитойдаги ваҳишона урушни тўхтатиш, АҚШ ва гумашталарининг ҳамма қўшинларини Жанубий Вьетнам, Лаос ҳамда Камбоджадан батамом ва сўзсиз олиб чиқиб кетишни қатъий талаб қилингиз!

Ҳинди-Хитойдан қўлингизни торт!

54. Жаҳон халқлари! Араб халқларининг ҳаққоний кураши билан бирдамликин мустақамлангиз! Исроилнинг Яқин Шарқдаги агрессиясини тўхтатиш, Исроил қўшинларини босиб олинган араб территорияларидан олиб чиқиб кетишни талаб қилингиз!

55. Араб мамлакатларининг халқлари! Империалистик агрессияга қарши курашда бирлик ва жипсликин мустақамлангиз!

Бузилмас совет—араб дўстлиги яшасин ва мустақамланаверсин!

56. Европа мамлакатларининг халқлари! Европани мустақам тинчлик ва давлатларнинг тинч ҳамкорлиги қитъасига айлантириш учун актив ҳаракат қилингиз! Халқаро кескинликин юмшатиш душманлари бўлмиш реакция ва реваншизм кучларининг кирдикорларига нисбатан хўшёр бўлингиз!

57. Жаҳон халқлари! Ядро, химия ва бактериология қурулини ҳамма турларини тақиқлашни талаб қилингиз! Еппасига ва батамом қурулсизлашиш учун, халқаро хавфсизликин мустақамлаш учун курашингиз!

58. Яшасин Совет Иттифоқининг ленинча ташқи сиёсати—тинчлик ва халқлар дўстлиги сиёсати, империализмга, реакция ва урушга қарши курашаётган барча кучларни жипслаштириш сиёсати!

59. Тинчлик ва халқлар дўстлиги таянчи—Совет Социалистик Республикалари. Иттифоқи яшасин ва мустақамланаверсин!

60. Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида Ленин йўлидан коммунизм ғалабаси сари, олға!

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ Болгария Компартиясининг X съездида жўнаб кетди

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг тақдифига биноан, Болгария Коммунистик партиясининг X съездида қатнашмоқ учун 17 апрелда Москвадан Софияга жўнаб кетди.

Делегация составида: КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси В. В. Шчербинский, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири К. В. Русаков, КПСС Марказий Комитетини аъзолигига кандидат, КПСС Новгород область комитетининг биринчи секретари В. Н. Вазовский, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Болгария Халқ Республикасидаги элчиси А. М. Пузанов бор.

Киев вокзалида делегацияни Г. И. Воронов, В. В. Гришин, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Ф. Д. Кулаков, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, П. Н. Демичев, Д. Ф. Устинов, И. В. Капитонов, К. Ф. Катусhev, В. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ва бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

Делегациянинг Болгария Халқ Республикасининг СССРдаги элчиси С. Гуров ва Болгария элчихонасининг дипломатия ходимлари ҳам кузатиб қолдилар. (ТАСС).

СССР Олий Совети Президиуми билан Совет ҳукумати-нинг тақдифига биноан Судан Демократик Республикаси революцион Кенгашининг раиси ва Бош министри генерал-майор Яхьявар Мухаммад Нимайри дўстона визит билан 14 апрелдан 16 апрелгача Совет Иттифоқиде бўлди.

Совет—Судан қўшма ахборотида айтиб ўтилганича, шу визит вақтида СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорный ва Судан Демократик Республикаси революцион Кенгашининг раиси ҳамда Бош министри Ж. М. Нимайри ўртасида музокаралар олиб борилди.

Музокаралар давомида СССР билан СДР ўртасидаги муносабатларга доир масалалар ва ҳар икки томонни қизиқтирган ҳозирги халқаро аҳволга доир масалалар қараб чиқилди ва муҳа-кама қилинди.

СДР революцион Кенгаши-нинг раиси ва Бош министри

СОВЕТ-СУДАН ҚЎШМА АХБОРОТИ

Судан революцион кенгаши делегацияси КПСС XXIV съезди-да тақдиф этилганича, ушун-да КПСС Марказий Комитетига миннатдорчилик поҳор қилди ва коммунистик жамият қураётган совет халқи учунгина эмас, бал-ки шунингдек бутун дунёнинг прогрессив кучлари учун ҳам сўзсиз ўз нимларини муваффа-қиятли тугатганлиги муноса-бат билан Совет Иттифоқи раҳ-барларини табриқлади.

Судан томони XXIV съезд қа-рорларида Исроилнинг АҚШ бошчилигидаги империализм ва мустамакачилик кучлари ёрда-ми билан араб халқларига қар-ши олиб бораётган империали-стик агрессияни кескин қорала-нишга юксак баҳо берди.

Совет томони 1969 йилги 25 май революциясига ҳамда Су-данда бўлиб ўтган прогрессив янғимой ўзгаришларга, шу-нингдек Африка қитъасида ҳам-да бутун Араб дунёсидаги озод-лик ҳаракатида бу революция-нинг муҳим роль ўйнаганига юксак баҳо берди.

Совет томони Судан Яқин Шарқдаги можорани бартараф қилиш масаласида реал пози-цияда турганини, бу масала-да БАРнинг позициясини қў-лаб-қувватлаётганини таъ-кидлаб, Совет Иттифоқи Хавф-сизлик Кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюцияси асо-

тида Яқин Шарқда сиёсий баргарафлик, адолатли ва мустаҳкам тинчлик ўрнатиш учун бундан кейин ҳам қатъият ва изчиллик билан курашавери-шини яна тасдиқлади. Совет Иттифоқи араб халқларига, шу жумладан Палестинадаги араб халқига Исроил агрессияси оқи-батларини тугатиш ва ўз қону-ний ҳуқуқларини тиклаш йўли-да олиб бораётган адолатли ку-рашда ёрдам ва мадад бериб келди ва бундан кейин ҳам ма-дад бераверади.

Томонлар АҚШнинг импе-риалистик агрессиясига қарши қаҳрамонларча курашаётган Вьетнам халқи билан, Лаос ва Камбоджанинг жасур ватанпар-варлари билан бирдамликларини таъкидлаб ўтдилар.

Совет Иттифоқи ва Судан Де-мократик Республикаси муста-макачиликка қарши адолатли кураш олиб бораётган Ангولا, Мозамбик, Гвинея—Бисау, Зим-бабве, Намбия, Африка Яну-би ва Африкадаги бошқа терри-ториялар халқларини таъминла-шга қўллаб-қувватлашларини я-на бир марта билдиридилар.

Ҳар икки томон актуал халқ-аро проблемалар юзасидан Со-вет Иттифоқи билан Судан Де-мократик Республикасининг туг-тан позициясини бир хил ёки бир-бирига яқин эканлигини, бу эса империализмга қарши, бу-тун дунёда тинчлик учун бир-галикда курашда бундан кейин-га ҳам актив ҳамкорлик қилиш им-кониятини беришини яна та-сдиқлаб ўтдилар.

Томонлар сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳар иккала мамлакат ўртасида самарали ҳамкорликин кенгай-тиришга тайёр эканликларини билдирдилар.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНУВЧИЛАРГА ЁРНАМ

ИҚТИСОДИЙ БИЛИМЛАРНИНГ АСОСЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ БОШЛАНҒИЧ СИЁСИЙ МАКТАБЛАРДА КПСС XXIV СЪЕЗДИ МАТЕРИАЛЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАМУНАВИЙ ПЛАНИ

I МАВЗУ. СССРнинг халқаро аҳволи. КПССнинг ташқи сиёсий фаолияти (бир машғулот).

II МАВЗУ. Партия иқтисодий сиёсатининг ҳозирги босқичдаги асосий масалалари. СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари (уч машғулот).

Биринчи машғулот

Саккизинчи беш йилликнинг асосий якунлари. Мамлакат иқтисодий тараққиётидаги ҳозирги босқичнинг хусусиятлари.

Иккинчи машғулот

Халқ фаровонлигини ошириш — партия иқтисодий сиёсатининг қўли мақсади. Тўққизинчи беш йиллик планнинг асосий вазифалари.

Учинчи машғулот

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самардорлигини ошириш, экономикани бошқариш системасини такомиллаштириш.

III МАВЗУ. Совет жамиятининг социал-сиёсий ривожланиши ва партиянинг вазифалари (бир машғулот).

IV МАВЗУ. Партиянинг ривожланиши ва партия ички ҳаётининг баъзи масалалари (бир машғулот).

камланиши. Социалистик демократиянинг ривожланиши. Меҳнаткорлар депутатлари. Советлар олимлари. Коммунистлик дунёқараши. Шакллантириш. Меҳнатга коммунистлик муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш. Умумхалқ меҳнат муносабатининг қўлими. Ўқитиш сарфитларига қарши кураш. Партиянинг биллими ва фан адабиёт ва сўзлов ривожлантириш тўғрисидаги тамхўрлиги.

АДАБИЁТ

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг резолюцияси. (III бўлим).

Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездидаги ҳисобот доклади. (III бўлим).

IV МАВЗУ.

ПАРТИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАРТИЯ ИЧКИ ҲАЁТИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Съезд навбатдаги беш йилликда сиёсий йўл ва конкрет программасининг муваффақиятли амалга оширилиши партия билан халқнинг барча кўчалари сафарбар этишни талаб этади деб таъкидлайди. Бундан буюн ҳам партиянинг раҳбарлик ролини бутун чоралар билан ошириб бормоқ, барча коммунистлар, барча совет кишиларининг қарашлари ва ҳаракатлари билан бирлигида янада мустақамлашиб боришга эришмоқ зарур.

4. КПСС XXIV съездининг тарихий аҳамияти. XXIV съезд — совет халқининг коммунизм сари ҳаракатида муҳим босқич. Съездининг қарорлари — халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий-озодлик ҳаракатининг ривожига қўшилган катта ҳисса. Барча меҳнаткорлар съезд якунларини маъқулламоқдалар. Тўққизинчи беш йиллик планнинг муваффақиятли бажарилиши учун кураш — умумхалқ вазифасидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан қабул қилган резолюциясида.

МАШҒУЛОТНИНГ НАМУНАВИЙ ПЛАНИ

1. КПСС сафларининг ўсиши ва партия ички демократиясининг ривожланиши. Коммунистик партия — ишчилар сиёфиди, бутун совет халқининг сиёсий раҳбари. Партия сафларининг мустақамлашиши. Партия ички демократиясининг ривожланиши, партия турмушининг ленинча нормаларига риоя қилиш, коммунистларнинг активлигини ошириш. Ленинча демократик централизм принципи — партия турмушининг қатъий қонунидир. Танқид ва ўз-ўзини танқидни янада ривожлантириш. Партия билан барча меҳнаткорларнинг бузилмас бирлиги.

2. Партия ташкилотларини мустақамлаш. Кадрларни тарбиялаш ва тарбиялаш. Бошланғич партия ташкилотларининг ўсиши. Бошланғич партия ташкилотларининг корхона ва муассасалар ишига таъсирини ошириш. Партиянинг XXIV съезди КПСС Уставига қиритган ўзгаришлар. Кадрларни тарбиялаш, жой-жойга қўйиш ва тарбиялашни яхшилаш. Кадрларга талабдорлигини ошириш.

3. Партиянинг гоёвий-назарий фаолияти. Коммунистларнинг марксизм-ленинча таълимоти.

АДАБИЁТ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан резолюцияси. (IV бўлим).

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг КПСС Уставига қиритган ўзгаришлар қиритиш тўғрисидаги қарори.

Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездидаги ҳисобот доклади (IV бўлим). «Партиянинг ривожланиши ва партия ички ҳаётининг баъзи масалалари».

Л. И. Брежнев. КПССнинг XXIV съезди ёпилишида сўзлаган нутқи.

И. В. Капитонов. КПСС XXIV съезди Мандат комиссиясининг доклади.

Г. Ф. Сизов. КПСС Марказий ревизия комиссиясининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездидаги ҳисобот доклади.

«Экономическая газета»нинг 1971 йил, апрель ойи, № 16, 17 совлари.

Партия ва комсомол сиёсий маорифи системасида ҳамма жойда Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезди материалларини ўрганиш бошланмоқда.

«Иқтисодий билимларнинг асослари» программаси бўйича ишлайётган бошланғич сиёсий мактабларда партия XXIV съезди мате-

I МАВЗУ.

СССРНИНГ ХАЛҚАРО АҲВОЛИ. КПССНИНГ ТАШҚИ СИЁСИЙ ФАОЛИЯТИ.

Ташқи сиёсат соҳасида партиянинг йўли — тинчлик ва халқаро хавфсизлик, социализм мамлакатлари қардошлигини мустақамлаш ва бутун дунёдаги антиимпериалистик озодлик кучлари билан иттифоқ йўлидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрқот Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съезди ёпилиши вақтида сўзлаган нутқидан.

МАШҒУЛОТНИНГ НАМУНАВИЙ ПЛАНИ

1. Социалистик мамлакатлар дўстлигини ва ҳамкорлигини янада ривожлантириш. Тинчлик ва социал тараққиётнинг таъини бўлган жаҳон социалистик системасини яқинлаштириш ва ривожлантириш. Қардош партиялар ва давлатларнинг ташқи сиёсий фаолиятини координатлаш. Социализм мамлакатларининг иқтисодий соҳадаги ҳамкорлиги. Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши давлатларининг иқтисодий интеграциялашга қаратилган йўли. Совет Иттифоқининг социалистик давлатларининг ҳар бири билан муносабатларини мустақамлаш. СССР ва қардош социалистик мамлакатларининг социализм галабаларини ҳимоя қилишда Чехословакия халқига берган интернационал ёрдами. Социалистик ҳамдўстлик чегараларининг бузилмаслиги.

2. Империализм — халқларнинг, ижтимоий тараққиётнинг душмани. Халқлар империализмга қарши. Империализм умумий кризиснинг чуқурлашуви. Капитал мамлакатларида ишчилар синфининг, меҳнаткорлар оммасининг кескин чиқишлари. Халқларнинг миллий озодлик учун антиимпериалистик кураши, бу курашнинг ўсиб боришига алоқадорлиги. КПССнинг жаҳон коммунистик ҳаракатини яқинлаштиришга қаратилган ички йўли. Ревизионизмга ва миллатчиликка қарши курашнинг ақтуаллиги.

II МАВЗУ.

ПАРТИЯ ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИНИНГ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧДАГИ АСОСИЙ МАСАЛАЛАРИ. СССР ХАЛҚ ҲЎЖАЛИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 1971—1975 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛ- ЛАНГАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ ЮЗАСИДАН КПСС XXIV СЪЕЗДИНИНГ ДИРЕКТИВАЛАРИ.

БИРИНЧИ МАШҒУЛОТ

САККИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИКНИНГ АСОСИЙ
ЯКУНЛАРИ. МАМЛАКАТ
ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИ-
ДАГИ ҲОЗИРГИ БОСҚИЧ-
НИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Экономика соҳасида беш йилликнинг асосий якуни шундан иборатки, миқдслар анча ошиб кетди, ривожланиш тезлашди ва халқ ҳўжалигининг сифат кўрсаткичлари яхшиланди.

XXIII съездининг Директивалари асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли бажарилди.

Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездидаги ҳисобот доклади.

МАШҒУЛОТНИНГ НАМУНАВИЙ ПЛАНИ.

1. СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1966 — 1970 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIII съезди Директива-

риалларини ўрганиш учун 12 дарс соати (6 машғулот) ажратиш мақсада мувофиқ бўлади. Бугундан бошлаб биз пропагандистларга ва бошланғич сиёсий мактабларнинг тингловчиларига ёрдам тариқасида ўқув-методика материалларини мунтазам равишда бериб борамиз.

сақлашни ривожлантиришдаги муваффақиятлар.

4. Мамлакат иқтисодий тараққиётдаги ҳозирги босқичнинг хусусиятлари. СССР халқ ҳўжалигининг жаҳон катта миқдслари, иқтисодий имкониятлари ва ижтимоий эҳтиёжларининг ошиб кетганлиги. Фан-техника революциясининг муваффақиятларидан таъин ҳам тўлароқ фойдаланиш ва экономиканинг самардорлигини янада ошириш зарурлиги. Партия ва ҳўкуматнинг ишлаб чиқаришнинг бошқарилиши ва планлаштирилиши, иқтисодий раббатлантиришнинг таъини яқинлаштиришга доир тадбирлари.

АДАБИЁТ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Резолюцияси. (II бўлим).

СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари. (I бўлим). «СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1966—1970 йиллардаги асосий якунлари».

Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездидаги ҳисобот доклади (II бўлим). «Саккизинчи беш йилликнинг асосий якунлари ва партия иқтисодий сиёсатининг вазифалари».

А. Н. Косигин. «СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари» тўғрисида доклад. (I бўлим).

ИККИНЧИ МАШҒУЛОТ

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИНИ
ОШИРИШ — ПАРТИЯ
ИҚТИСОДИЙ СИЁСАТИ-
НИНГ ОЛИЙ МАҚСАДИ.
ТЎҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛ-
ЛИКНИНГ АСОСИЙ
ВАЗИФАЛАРИ.

Беш йилликнинг энг асосий вазифаси — социалистик ишлаб чиқаришнинг юксак суръатлари билан ривожлантириш, унинг самардорлигини ошириш, фан-техника тараққиёти ва меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг жадаллаштирилиши негизда халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини яна юксалтиришнинг таъини яқинлашдан иборат.

СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари.

МАШҒУЛОТНИНГ НАМУНАВИЙ ПЛАНИ

1. Тўққизинчи беш йиллик — совет жамиятининг коммунизм йўлидан олға боришидаги муҳим босқич. Партиянинг халқ фаровонлигини юксалтириш программаси. Меҳнатга тўланаётган ҳақин ошириш — меҳнаткорларнинг даромадларини оширишнинг асосий йўналиши. Ижтимоий истеъмол фондларининг қўлайлиги. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўстирилиши ва аҳоли турмуш даражасининг ошрилиши. Меҳнаткорлар фаровонлигини ўстиришнинг ишлаб чиқариш коллективлари фаолиятининг миллионлашганлиги.

2. Оғир индустрия — мамлакат иқтисодий қудратини, халқ фаровонлигини янада оширишнинг пойдевори. Янги беш йилликда оғир индустриянинг тез суръатлар билан ривожлантирилиши. Африка саноат тармоқларини ривожлантиришнинг вазифалари. Машиносозлик — халқ ҳўжалигини техник билан қайта қуроллантиришнинг асоси. Истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришнинг қўлайлигида оғир индустриянинг ролли.

3. Қишлоқ ҳўжалигини янада ривожлантириш программаси. КПСС Марказий Комитетининг 1970 йилги июль Пленумининг қарорлари — қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг узоқ вақтга мўлжалланган комплекс программаси. Қишлоқ ҳўжалигини юксалтириш — умумхалқ иши. Дон ва ошпа деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилиши қўлайлиги, чорвачиликни ривожлантириш топшириқлари. Қишлоқ

ҳўжалиги ишлаб чиқариш базасини, қолхозлар ва совхозлар экономикасини мустақамлаш.

4. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг кенгайтириш. Савдон ривожлантириш ва аҳолига маъийи хизмат кўрсатиш яхшилаш. Партиянинг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама қўлайлиги, шу молларнинг хиллиги кенгайтириш ва сифатини оширишга қаратилган йўли. Савдо ва маъийи хизмат кўрсатиш корхоналарининг ишини кескин равишда яхшилаш — халқнинг турмуш даражасини янада юксалтиришнинг зарур шарти.

АДАБИЁТ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Резолюцияси. (II бўлим).

СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари. (II — VII бўлимлар).

Л. И. Брежнев. КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездидаги ҳисобот доклади. (II бўлим). «Халқ фаровонлигини ошириш — партия иқтисодий сиёсатининг олий мақсади».

А. Н. Косигин. «СССР халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 1971—1975 йилларга мўлжалланган беш йиллик плани юзасидан КПСС XXIV съездининг Директивалари» тўғрисида доклад. (II, III, V бўлимлар).

УЧИНЧИ МАШҒУЛОТ

ИЖТИМОИЙ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШНИНГ САМАРА-
ДОРЛИГИНИ ОШИРИШ,
ЭКОНОМИКАНИ БОШҚА-
РИШ СИСТЕМАСИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Съезд шунинг уқтириб ўтадики, моддий ишлаб чиқаришнинг, унинг самардорлиги ва ижтимоий меҳнат унумдорлигини янада тинимсиз ўстириш совет халқ фаровонлигини ошириш борасида мўлжалланаётган чораларни амалга оширишнинг зарур шартидир.

КПСС Марказий Комитетининг ҳисобот доклади юзасидан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съездининг резолюциясида.

МАШҒУЛОТНИНГ НАМУНАВИЙ ПЛАНИ

1. Фан-техника революцияси. Фанни ишлаб чиқариш билан

III МАВЗУ.

СОВЕТ ЖАМИЯТИНИНГ СОЦИАЛ- СИЁСИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ПАРТИЯНИНГ ВАЗИФАЛАРИ

МАШҒУЛОТНИНГ НАМУНАВИЙ ПЛАНИ

Социал сиёсат соҳасида партиянинг йўли — совет жамияти бирлигини янада мустақамлаш, совет жамиятининг ташкил аъзони синфлар ва социал гуруҳларини, ҳамма миллатлар ва элатларни бир-бирига янада яқинлаштириш йўлидир, бу йўл — социалистик демократияни яқинлаш билан ривожлантириш, жамоат ва давлат ишларини ҳал этишга халқ оммасини тобора кенг жалб этиш йўлидир; бу йўл — ҳамма меҳнаткорларнинг коммунистик онглигини ошириш, фан ва маданиятни ҳар томонлама ривожлантириш, совет кишининг маънавий камол топириш, мамлакатда вужудга келтирилган ва одамлар энгил нафас олиб, яхши ишлайдиган, оқиломта яшайдиган маънавий-сиёсий вазиятни мустақамлаш йўли ҳамдир.

1. Жамиятининг социал структурасидан ўзгаришлар. Совет халқ бирлигининг тобора мустақамлашиши. СССРда синфлар ва социал гуруҳларнинг яқинлашуви. Ишчилар синфи — жамиятининг асосий ишлаб чиқарувчи кучи. Совет кишилар маданий-техника савияси, билими ва сиёсий активлигининг ўсиши. Ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқи — жамиятимизнинг сиёсий негизи. Совет деҳқонлари социал қиёраси ва психологиясининг ўзгариши. Зиелилар сонининг ўсиши. Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, халқнинг маданияти ва билиминини ошаришда зиелилар ролининг ўсиши. Ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши — социализмнинг катта ютуғидир.

2. Совет давлатининг мустақ-

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўрқот Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съезди ёпилиши вақтида сўзлаган нутқидан.

КОММУНИСТИК МЕХНАТ БАЙРАМИ

«Коммунистик шанбаликлар

коммунизмнинг ҳақиқатан бош-

ланиши бўлгани учун ҳам бени-

ҳоя қимматлидир».

В. Г. Герасимов



Республикамизнинг барча саноат корхоналари, транспорт, ва қурилиш ташкилотлари коллективлари яддиллик билан коммунистик шанбаликда қатнашди. Суратларда: 1. «Ташсельмаш» заводнинг 22-цехи ишчилари (чапдан) В. Нестеров, А. Алимуродов, С. Хуриев, А. Абдусатторов ва Т. Мирзаев ўртоқлар бошқаларга намуна бўлдилар. 2. Тошкентдаги шарно-подшипник заводнинг пешкадамлари (чапдан) Ш. Толипов, Ф. Азимов ва М. Рустамов ўртоқлар шанбалик кунини ўз цехлари ишлаб чиқаришга муносиб ҳисса қўишди.



ҲИММАТ

БУХОРО. 17 апрель («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Ғиядуюн посёлкида коммунистик шанбалик чинакам меҳнат байрамига айланган. Москваликлар ташаббусига қўшилган посёлка меҳнаткашлари эрта тонгдан меҳнаткашларни қўлини қўйишга бошладилар. Бир ва ҳисобларда эрта тайини курсатиб ишладилар.

Шанбаликда пахта тазалаш заводи, 33-автотазалаш, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси, зардушлик фабрикаси ишчи-хизматчилари, Ленин номи, Фуқат номи, «Ўзбекистон», «Победа» маҳаллалари коллективлари яхши уюшқоқлик кўрсатдилар. Посёлка аҳли шу кунини 1.3 миллион туп тўт, 12 минг тупга яқин чинор ва арча кўчатлари ўтказдилар. Тўрт километрга яқин узунликдаги ариқлар тазаланди. 20 гектарли маданият ва истироҳат боғи ободонлаштирилди.

Шанбаликда 60 мингдан ортиқ киши қатнашди. 600 автомашина, 150 трактор телекеси ва бошқа ўнлаб машина-механизмлар ишладилар. Шу кунини Ғиядуюн районидан қилдиқ меҳнаткашлари айниқса, қувончли натижаларга эришдилар. Унга яқин ҳужайна, 200 дан ортиқ бригада чигит экинни тамомлагани ҳақида рапорт берди. Салкам 7000 гектар майдонга қимматбаҳо интичка тоғли пахта чигити экилди. Ленин номи, «Гулистон», «Энгельс» номи, «Коммунизм» колхозларида ғўза парвариши бошлаб юборилди.

Бухоро областининг барча саноат корхоналари, колхоз ва совхозлари ҳамда ўқув юр-

ларининг коллективлари коммунистик шанбаликда ўларнинг улуғ Ленин ишига, коммунизм ишига содиқ эканликларини намойиш этдилар.

Т. НАЗИРОВ.

АНДИЖОН. 17 апрель («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). Андижон меҳнаткашлари шанбаликда 1920 йилдан бери қатнашиб келадилар. Бугун шу анъана яна давом эттирилди. Бугун андижонликлар халқ ҳашари—коммунистик шанбаликка чиқдилар. Улар шу кунини ҳар қачондан унутмайдиган ишладилар.

Айниқса, Андижон машинасозлиги заводи коллективи яхши натижаларини кўлга киритди. Корхонада 2050 дан ортиқ ишчи ва хизматчи меҳнат ваҳтасида туриб, 35 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Куннинг охирида завод бўйича 10 та ҳасос, бир неча дизель, 3 та универсал қоплагич, 1 та ер текисловчи экскаватор машинаси ва пландан ташқари 10 тонна пўлат қуюлгани маълум бўлди.

Андижон нефтьчилари шу кунини мамлакатга пландан ташқари 1115 тонна нефть етказиб бердилар, планга қўшимча ярим миллион куб метр газ чиқардилар. Андижон сув омбори қурилиши бўйича, «Андижанирмаш», Меҳнат Қизил Байроқ орденли ёғ-май комбинати, бадиий буюмлар фабрикаси ва бошқа корхоналарнинг коллективлари ҳам коммунистик шанбаликни уюшқоқлик билан ўтказдилар.

А. ҚУРОНБОВ.

КАТТА РАҲМАТ

Шаҳримизнинг меҳнаткашлари қатори ўқувчилар ҳам умумхалқ ҳашарига эртадан етиб боришга, биринчи бўлиб иш бошлашга ошқиндилар. Дохийиш «Буюн почин» деб атаган шанбаликда ҳамма катори Тошкент гидрометеорология техникумининг ўқувчилари ҳам актив қатнашди.

Қўбишев районининг Лаъл Баҳодир Шахри кўчаси ўқувчилари билан тавжум. Синаф раҳбарлари

бошчилигидаги ўқувчилар гуруҳлари бир жон-бир тан бўлиб меҳнат қилишди: биров даракхалқ тағини юмшатмоқда, иккинчиси дўнгиликларни текисламоқда, ер тоғмоқда. Қизларнинг ҳам юмшаклари ўзига яраша — болалар тазалаш жойларини супуришар, сув сепишарди. 800 кишилик коллективга иш қуроллари қандай етиши экан, дея ажабланманг. Қўнчилик ўқувчилар ўзлари билан бирга

белкуррак, супурги, челақ олиб келишган. Завқ-шавқ билан қилинган меҳнат туғайли Шахри кўчаси бир зумда чил-чинни бўлди. Кўчадан ўтган ёш қари — ҳамма қувона-қувона ўқувчиларга раҳмат айтишди.

А. МАЪЗУМОВ.

ЧИГИТ ЭКИВ БЎЛИНДИ

Жиззах райони пахтакорлари КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ эта бориб, Сирдарё областида биринчи бўлиб чигит экишни тугалладилар. 14 минг 500 гектар ерга сифатли руғ қадайдилар. Чигит экинчи барвақт тугаллаган «Москва», Навоий номи, Ҳамид Олимжон номи ва бошқа ҳўжаликлари дастлабки ишчи-кўшчиларини парвариш қилишга киришдилар.

П. ТУРОВОВ.

УМУМХАЛҚ ҲАШАРИ

МЕХНАТ ШОДИЁНАСИ

Фирмада меҳнатчилари кеча бир жон-бир тан бўлиб умумхалқ коммунистик шанбаликда актив иштирок этишди. Биз йил бошидан тежаб қилинган материал, хом ашё ва электр энергияси ҳисобига меҳнат қилишнинг дилга туғиб қўйган эдик. Кеча тежабган хом ашёдан жами 12 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқардик.

Беш минг сўмлик иш ҳақи эса беш йиллик фондига топирирди.

Корхонамиз ишчилари КПСС XXIV съездининг қарорларига жавобан шу кунларда бир ғайратдан ўн ғайрат қўшиб меҳнат қилмоқдалар.

Г. РАЖАБОВ, «Шарк» мебель фирмасининг директори.

ТЕЖАЛГАН ХОМ АШЁДАН

Заводимиз ишчилари учун бу кун унутилмас кунлардан бири

бўлиб қолди. Чунки улар эрта ғайрат ва илҳом билан меҳнат қилишди. Коммунистик шанбалик кунини тежабган хом ашё ва электр энергия ҳисобига маҳсулот тайёрладилар. Корхона конвейеридан 120 та «Оазис-2» холодильники туширилди, минг сўмлик халқ истеъмолчи буюмлари тайёрланди.

Корхонамиз бош механика бўлимининг хизматчилари айниқса ғайрат кўрсатиб ишладилар. Улар заводдаги ускуналарини ремонтдан чиқаришди. Корхона территорияси янада кўкаламзорлаштирилди ва ободонлаштирилди. Давлатте беш тонна темир-терсак топирирди.

Шанбалик қатнашчилари иш ҳақларини беш йиллик фондига ўтказдилар.

И. ТАГИРОВ, Тошкент қоплоқчи заводи директори.

ЗЎР УЮШҚОҚЛИК БИЛАН

Фабрикада меҳнаткашлари коммунистик шанбалик кунини эрта уюшқоқлик билан ўтказдилар. Ҳамма эртадан бошлаб яхши

қайфият билан ўларнинг иш ўринларини ағдладилар. Фабрика территориясида эса ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари олиб борилади.

Пойафзалчилар коммунистик шанбалик кунини тежабган хом ашё азалига ишлашга аҳд қилишган эди. Улар ўз аҳдларининг устидан чиқишди. Кеча 14 минг жуфт эркаклар, болалар, аёллар пойафзаллари тежабган хом ашё ҳисобига тайёрланди.

Фабрикада коллектив шанбаликдан тушган маблағини беш йиллик фондига топиришга аҳд қилди.

С. МУРУНОВ, Тошкентдаги 1-пояфзал фабрикасининг бош инженери.

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

Коммунистик шанбалик КПСС XXIV съезди ўз иштини тамомлаб, халқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг улғувор программасини белгилаб берган бир пайтда ўтди. Автобазада коллектив бир марта совет халқи яқин келажик шанбаликка актив қатнашдилар. Шанбаликка ҳаммаси бўлиб 150 киши чиқди.

Биз шу кунини 1500 тонна юк ташидиқ, 7 машинани ремонтдан чиқардик. Автобаз атрафини кўкаламзорлаштириш учун 250 туп даракх кўчатлари ўтказдик, қаттагина гулор барпо қилдик. Шу кунини иш ҳақимизни эса беш йиллик фондига ўтказдик.

А. ТУЛЕПОВ, Хўжайли шаҳридаги 25-автотазалаш партия ташкилотининг секретари.

трукциялари ва Жиззах қурилиш материаллари комбинатлари, Гулистон ремонт-механика заводи ва бошқа ўнлаб корхоналарнинг коллективлари коммунистик шанбаликни эрта уюшқоқлик билан ўтказдилар. Пахтакор районда шанбаликка 10.5 мингта яқин киши иштирок этди ва улар 18 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажардилар, 2 минг сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқардилар.

Сирдарё области бўйича ўтган шанбаликда 150 мингта яқин киши ўз постида туриб мардонавор меҳнат қилди. Улар янги беш йиллик фондига 450 минг сўмлик иш қилиб бердилар.

Жиззах, Дўстлик, Ворошилов районларининг пахтакорлари буюк починни охири майдонларга чигит экиш билан кутиб олдилар.

Т. ЖАМОЛОВ.

ЛЕНИН ШАНБАЛИГИ

Муаттар тунг ойнаи ойнаи Нур ёғдирди ҳаётбахш қуёш. Қуёш дерах, мангу қўламага Етаклови Ленин ўзи бош.

Ильич кезар, цехлар аро нур, Ижод завоқ қилди барқарор. Сўнмас ёғду ивра тоғланур Беш йилликлар яратган баҳор.

Интиқилди хар сазба—ниҳол, Шу ёғдудан бўлиб баҳраманд. Топмоқдасиз устоздан камол, Зафарларга зафарлар пайванд.

Яшил қарга ўрқча тўлаш, Қўрдам бунда доҳий кезарди. Қўламан иши билан кекса, ёш, Юрт сийнасини нурга безарди.

Хар бир тадбир ва рекамизда Ленин фикри, зўр гоёси бор. Зарбдор кунлар ва кечамизда Ўзи бирга, ўзи мадакор.

Шанбаликнинг шароф, шўқрати Яшар элда йиллар, асрлар. Халқ иқоди, меҳнат, ҳиммати Яратди юксак қарслар.

ЌЎЗА ПАРВАРИШИ БОШЛАНДИ

Тошкент областининг колхоз ва совхозлари 16 апрелда чигит экиш планини бажардилар.

Бу йил янги юқори ҳосилли «Тошкент-1», «Тошкент-2», «Тошкент-3» нави пахта чигити ўтган йилга нисбатан уч баробар кўп далага экилди.

Тошкент областининг пахтакорлари тўқтиничи беш йилликнинг биринчи йилида ҳосилдорлигини бултурдагига нисбатан гектар бошига ўрта ҳисобдан икки центнер оширишга ва 40 минг тонна «оқ олтин» топиришга аҳд қилдилар. Чигит бир текис ушиб чиққан қўшгина ҳўжаликларида ғўза парвариши бошланди. (ЎЗТАГ).


ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Партия алпаретида узоқ ишлар ишлаганини топиришган илҳам ҳалол муносибатда бўлганлиги учун ва туғилган кунига эллик йил туғилиш муносибати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Ўзбекистон Компар-

тияси Марказий Комитети ташқили-партиявий ишлар бўлими секторининг мудир Валентина Григорьевна Шчепоткинани Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий аъзоси, билан муқофотлади.

ПОИТАХТИМИЗДАГИ тепловоз депосида коммунистик шанбалик бошлангани олдидан ишчи ва хизматчиларнинг митинги бўлиб ўтди. Коллектив аъзолари шанбаликни эрта уюшқоқлик билан ўтказдилар.

И. Глауберзон фотоси.



Ўзбекистон ССР областларида чигит ва маккажухори экиннинг бориши тўғрисида 1971 йил 17 апрелга бўлган МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—областлар, иккинчи стун—анилган чигит (минг гектар ҳисобида); учинчи стун — планининг бажарилиш проценти, тўртинчи стун — анилган маккажухори (минг гектар ҳисобида); бешинчи стун — планининг бажарилиш проценти.				
Тошкент	138,8	100,0	15,8	78,0
Андижон	171,3	92,9	10,9	98,4
Сурхондарё	113,9	92,6	9,7	96,6
Наманган	124,0	91,9	11,2	77,1
Сирдарё	256,3	90,3	13,0	70,9
Бухоро	124,9	81,2	10,7	102,7
Қашқадарё	75,6	72,3	8,6	87,0
Фарғона	129,5	67,9	9,7	55,5
Самарқанд	94,1	54,1	14,8	71,7
Хоразм	4,2	4,0	0,8	6,9
ҚА ССР	5,4	4,5	0,6	3,7
Республика				
Бўйича:	1238,0	72,3	105,8	66,5

